

УДК: 657.4.6:338.4.27

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ҲИСОБИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

Уразов Комил Бахромович – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси профессори, и.ф.д.

Мардонов Мамед Шавкатович – Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали “Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва молия” кафедраси доценти, PhD

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Уразов Комил Бахромович – Профессор кафедры «Бухгалтерский учет и аудит в других отраслях» Самаркандского института экономики и сервиса, доктор экономических наук

Мардонов Мамед Шавкатович – Самаркандский филиал Ташкентского государственного экономического университета «Бухгалтерский учет, налогообложение и финансы» доцент, PhD

CONCEPTUAL ISSUES OF INNOVATIVE ACTIVITY ACCOUNTING

Urazov Komil Baxromovich – Professor of the Department of "Accounting and Auditing in Other Sectors" of the Samarkand Institute of Economics and Service, doctor of economic sciences.

Mardonov Mamed Shavkatovich – Tashkent State University of Economics, Samarkand Branch, Associate Professor, Department of "Accounting, Taxation and Finance", Ph.D.

Аннотация. Мақолада корхоналарнинг инновацион фаолият, унинг жараёнлари ҳамда жараён натижаларини баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттириш бўйича таклифлар келтирилган. Шунингдек пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда инновацион фаолиятнинг пул оқимлари кўрсаткичлари билан тўлдириш таклиф этилган. Ушбу таклифлар ташқи инвесторлар учун ҳисоботнинг ахборот мазмунини ва молиявий маълумотларнинг шаффофлигини оширишга хизмат қилиши асосланган.

Калит сўзлар: инновацион фаолият; баҳолашни, бухгалтерия ҳисоби; пул оқими; уйғунлаштириш.

Аннотация. В статье содержатся предложения по оценке инновационной деятельности предприятий, ее процессов и результатов процессов, отражение их в счетах и отчетах. Также предлагается дополнить отчет о движении денежных средств показателями движения денежных средств инновационной деятельности. Эти предложения основаны на том, что служат повышению информативности отчета и прозрачности финансовой информации для внешних инвесторов.

Ключевые слова: инновационная деятельность; оценка, бухгалтерский учет; денежный поток; гармонизация.

Abstract. The article contains proposals for evaluating the innovative activity of enterprises, its processes and process results, reflecting them in accounts and reports. It is also proposed to supplement the cash flow statement with indicators of cash flows of innovative activities. These proposals are based on the fact that they serve to increase the information content of the report and the transparency of financial information for external investors.

Key words: innovative activity; valuation, accounting; cash flow; harmonization.

1. КИРИШ

Иқтисодиётимизни модернизация қилиш инвестицион муҳитни яхшилаш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва жаҳон бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, рақамли рақобатбардош иқтисодиётни “илм-фан-амалиёт” моделида қуриш ҳамда корхоналарнинг инновацион фаолият билан шуғулланишини талаб этмоқда. Бунда

хўжалик юритувчи субъектларда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш маълум миқдордаги сарфларни доимий амалга ошириш объектив зарарурат ҳисобланади.

Республикамиз Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори [1] барча фаолият турлари сингари инновацион фаолият ҳисобини

хам молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ олиб боришни кўзда тутди. Ушбу фаолият мамлакатимизда 11-сон “Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик” миллий стандартларида (БХМС), халқаро миқёсда эса 38-сонли «Номоддий активлар» номли Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида (IFRS (IAS)) ҳисобга олишнинг қоидалари ёритилган. Гарчи 38-сонли МХХСда корхоналарга тажриба конструкторлик ишлари харажатларини капиталлаштиришга, тасдиқлаш жараёнининг ўзига хос субъективлиги раҳбариятга мазкур стандарт шартлари бажарилганлиги тўғрисида қарор қабул қилишда ихтиёрийликни таъминлашга имкон берсада, амалиётда ҳисобот даврида харажат сифатида акс эттириш ҳолатлари ёки асосий ишлаб чиқариш счётига олиб бориш ҳолатлари учраб турибди.

2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Инновацион фаолият унинг таркиби қисми бўлган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига қилинган сарф-харажатлар ҳисоби бўйича дунё ва юртимиз олимлари томонидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. АҚШда ўтказилган эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Б.Лев ва Т.Соугиннис [10], П.Хели [7] ва Д.Чемберс ва бошқалар [5] илмий-тадқиқот ишларига қилинган харажатларни капиталлаштириш корхоналар бозор қийматини реаллигини оширади деб таъкидлайди. Ушбу тадқиқотлар натижасида 38-сон МХХС 54-бандини қабул қилишда асос қилиб олинган, унда маълум мезонларга жавоб берганда илмий тадқиқот ишларига сарфланган харажатлар капиталлаштирилади. Бироқ, АҚШнинг умум қабул қилинган бухгалтерия тамойиллари (GAAP) бўйича дастурий таъминот яратишга сарфланган илмий тадқиқот харжатларидан ташқари бошқа харажатлар ижобий натижа тақдим этилмагунга қадар капиталлашувига руҳсат берилмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, илмий тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишланмаларга сарфланган маблағларни капиталлаштириш инвесторлар учун муҳим маълумотни беради.

Австралияда илмий ғояни илмий-тадқиқот ишлари билан таққослаш учун тажриба ўтказадилар. Илмий-тадқиқот ишларига сарф қилинган харажатларни харажат сифатида тан олиш ёки капиталлаштиришни корхона ихтиёрига қолдиради ва корхоналарда харажатларни капиталлаштириш кўпайиб бораётганлигини аниқлайдилар [4]. Буюк Британияда ҳам илмий тадқиқот ишларини капиталлаштириш ёки харажат сифатида акс эттириш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Бунда илмий тадқиқот ишларига қилинган сарфлар маълум мезон ставкалари бўйича капиталлаштиришни тақлиф этади. Бухгалтерия ҳисобини ўзгартириш даромадларнинг тушунтириш кучини яхшиламайди деган хулосага келади [13].

Ўзбекистонлик бир қатор олимлар ҳам инновацион фаолият ва унга сарф қилинган харажатлар тўғрисида илмий изланишлар олиб борган. Хусусан З.Муқимов “инновацион фаолиятга сарфланадиган шундай харажатлар ҳам мавжудки, улар неча йиллар давомида корхонанинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бундай харажатларни улар самара берадиган йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар таннархига мунтазам киритилиши лозим. Бундай вазиятда илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлари учун сарфланган харажатлар бухгалтерия ҳисобида “Келгуси давр харажатлари” сифатида алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Фикримизча, ушбу харажатларнинг самара бериш муддатини аниқ белгилаш мумкин бўлса, уларни шу даврлар ичида мунтазам ҳисобдан чиқариш мақсадга мувофиқдир. Шу билан биргаликда илмий тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишлари харажатларини бухгалтерия ҳисобида иккига бўлиб, “Узоқ муддатли илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлари харажатлари” ҳамда “Жорий даврнинг илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлари харажатлари” сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир”[16], - деб таъкидлайди.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Корхоналарнинг инновацион фаолияти ва унинг кўрсаткичларини баҳолаш, бухгал-

терия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоботларда очиб бериш ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига уйғунлигини таъминлаган ҳолда ёндашувни ишлаб чиқишда давомида қиёсий таҳлил, назарий моделлаштириш, индукция ва умумлаштириш усуллари қўлланилди.

4. ТАҲЛИЛЛАР ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Инновацион фаолиятни баҳолаш ушбу фаолиятнинг кўп қиррали хусусиятидан келиб чиқади ва аниқлашда қийинчилик туғдиради.

Биринчи қийинчилик нимани ўлчашни хоҳлаётганимизни аниқлашдан иборат: инновацион фаолиятга эътибор қаратиладими ёки инновацион натижаларга? Инновацияларнинг ўзаро боғлиқ, лекин ҳар хил жиҳатлари бўлиб, уларни қамраб олувчи кўрсаткичларни топиш қийин.

Иккинчи қийинчилик бу ўлчовнинг ўзи. Аксарият инновацион фаолият ва унинг натижалари номоддий активга айланиши, аниқ бозор баҳосининг йўқлиги туфайли ишончли тарзда аниқлаб бўлмайди.

Иқтисодиёни жадал ривожланиши корхоналарда инновацияларни жорий қилиш тезлигини, янгиликларни талаб қиладиган янги иш муҳитининг шаклланишини билан бевосита боғлиқдир. Корхоналардаги инновацион маҳсулотни баҳолашда жаҳонда энг кўп қўлланиладиган бугунги кунда иккита усулидан фойдаланилади:

- бухгалтерия ҳисоби
- эксперт усули (иқтисодий усул) [14].

Бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида инновацион маҳсулотни баҳолаш қуйидаги ҳолатларда зарур:

- реестрдан қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи учун активларнинг жорий қийматини аниқлаш;
- эскириш ҳисоблаш;

- фойдаланиш ҳуқуқларини топшириш;
- гаров сифатида фойдаланиш;
- ташкилотни мулккий комплекс сифатида баҳолаш;
- устав капиталига қўшилган улушни ҳисоблаш;
- суғурта мукофотлари, тўловлар ва ҳисобланган фоизларни ҳисоблаш;
- эксклюзив ҳуқуқлар бузилган тақдирда лицензиялаш ва зарарни қоплаш.

Инновацион фаолият натижасини баҳолашда биринчи навбатда олинган инновацион маҳсулот турини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион фаолият натижасида 2 турдаги инновацион маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин бўлади.

Моддий кўринишдаги инновацион маҳсулот – бу ушбу маҳсулотга кетган харажатлар орқали баҳоланади. Ушбу баҳолаш усули бухгалтерия ҳисобида кенг қўлланилади.

Номоддий кўринишдаги инновацион маҳсулотни баҳолашда уни яратиш билан боғлиқ бўлган харажатларни инновацион фаолиятнинг тўлиқ давомийлигидаги харажатлар тўпламидан ажратиш ва уларни тўғри баҳолаш муаммоси мавжуд. Шунинг учун, номоддий актив шаклидаги инновацион маҳсулотлар таннархини инновацион фаолиятга қилинган, капиталлаштирилган харажатларни йиғиндиси сифатида, шунингдек номоддий активларнинг адолатли ва кечиктирилган харажатлар қиймати бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда стандартларда номоддий активлар кўринишидаги капиталлаштирилган харажатларни тақсимлаш ва бухгалтерия ҳужжатларида акс эттиришнинг аниқ қоидалари мавжуд эмас ва келгуси даврларда инновациялар билан боғлиқ жорий харажатлар қайтарилиши мумкин.

Номоддий актив сифатида тан олинган инновацион маҳсулотнинг қийматини ҳисоблаш усуллари*

Баҳолаш усули	Ёндашув	Ҳисоблаш тартиби
Даромадлар усули	Тўғридан -тўғри капитализация қилиш	Бу усулда номоддий актив кўринишидаги инновацион маҳсулотни яратишга кетган харажатларни «капиталлашув ставкаси», яъни эксплуатация қилишдан олинган соф фойда ва сотиб олишга қаратилган харажатларни қоплашни ҳисобга оладиган коэффициент ҳисоблаб чиқилади.
	Пул оқимини дисконтлаш	Номоддий актив кўринишидаги инновацион маҳсулотнинг қиймати пул оқимлари, тушумларининг жорий қийматини йиғиш йўли билан ҳисобланади
	Фойда олиш	Номоддий актив кўринишидаги инновацион маҳсулот қиймати ушбу маҳсулотдан фойдаланиш орқали эришиладиган корхонанинг фойдаси асосида белгиланади.
	Харажатлардан фойда олиш	Номоддий актив кўринишидаги инновацион маҳсулот қиймати ишлаб чиқариш таннархининг эксплуатация қилинишининг мум-кин бўлган камайиши асосида ҳисобланади.
	Роялти	Номоддий актив кўринишидаги инновацион маҳсулот қиймати роялти кўринишида даромад келтирса, ушбу келтирилган даромад асосида белгиланади
Қиёсий усул	Сотишни таккослаш орқали	Бу усулда номоддий актив кўринишидаги инновацион маҳсулот бозорда шунга ўхшаш маҳсулот қиймати билан солиштирилиб белгиланади.
Қиммат усули	Харажатлар орқали	Номоддий актив кўринишидаги инновацион маҳсулотнинг қиймати ишлаб чиқариш, яратиш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, сотиб олиш ва фойдаланиш учун сарфланган реал харажатлар асосида ҳисобланади.

*Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

Номоддий актив кўринишидаги инновацион маҳсулотдан фойдаланишнинг иқтисодий самарасини ҳисоблаш алгоритмининг мураккаблиги туфайли даромад, харажатлар, инвестициялар ва бошқа пул оқимлари кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда батафсил омиллар таҳлилинини ҳисоблаш зарурати туғилади. Соф даромад миқдорини инновацион маҳсулотнинг фойдаланиш муддати бўйича аниқроқ ҳисоблаш мумкин. Омиллар таҳлили одатда маълум бир маҳсулотни ишлатишдан олинган соф даромад улушини ҳисоблаш учун ишлатилади.

Янги технологиялар, ихтиролар ва бошқа инновацион маҳсулотдан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблашнинг қийинлиги шундаки, уларни ишлаб чиқариш фаолиятига киритиш сармоялар мавжудлигини назарда тутиши мумкин. Инновацион фаолиятдан олинган даромадга инновацион маҳсулотдан фойдаланишдан олинган даромад ва аниқ инновацион лойиҳалани амалга оширишдан олинган даромадлар киради.

Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда, инновацион лойиҳаси тузилади, бизнес – режа тузилади, у прогноз қилинадиган йиллик соф даромад ҳажмини аниқлайди ва шундан кейингина соф даромаднинг қўлланиладиган инновацион маҳсулот билан боғлиқ қисми аниқланади ва улуш тежаш коэффициенти асосида ҳисобланади.

Бухгалтерлар асосан илмий – тадқиқот харажатлари ёки патентга асосланган ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўлчашда харажатлар усулига таянади. Ушбу баҳолаш усули илмий-тадқиқот харажатлари инновациялар учун энг кенг тарқалган ҳисоблансада, илмий - тадқиқот харажатларидан фойдаланиш эндоженлик муаммосига боғлиқ. Бу эндоженлик хавотирини, “инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхоналарнинг молиявий ҳисоботларида илмий-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатларни алоҳида ошкор қилмасликлари янада кучайтиради”[8].

“Илмий – тадқиқот ишларига қилинган харажатлар корхонанинг инновацион фаолиятини бутун кўламини қамраб олмайди” [11]. Бундан ташқари, “кўплаб мамлакатларда илмий – тадқиқот ишларига сарфланган харажатлар фақат маълум корхоналар учун очик, инновацион фаолиятнинг кўп қисми эса асосан хусусий корхоналарда амалга оширилмоқда” [12].

Корхоналарнинг инновацион фаолият натижаларини олиш учун патентга асосланган чора-тадбирлардан фойдаланиш эндогенлик муаммоси келтириб чиқаради, чунки патент бухгалтерия ҳисобига асосланган эмас. Патент маълумотлари тадқиқотчиларга нафақат инновацияларнинг миқдорий ўлчовларини (масалан, берилган патентлар сонини, патентга ҳаволалар сонини ва бошқаларни), балки патентларнинг сифати ва атрибутларини (умумийлиги, патентга ҳаволалар сони, ўзига хослиги ва бошқалар) баҳо бериш имконини беради [6]. Инновацион фаолиятнинг барча кўрсаткичлари ҳам номоддий актив сифатида тан олинмайди, демак, улар ёки актив сифатида тан олинади ёки харжат сифатида ҳисобдан чиқарилади. Демак, инновацион фаолият натижаларини баҳолаш тизими инновацион ривожлантириш жараёнларига боғлаш керак.

Инновацион фаолиятни ялпи тизим шаклида “Инновацион жараён-бухгалтерия ҳисоби-иқтисодий таҳлил занжири” модели ишлаб чиқилди. Моделда учта ўзгарувчи кўрсатилган: харажатлар, фойда, сотиш, бу субъектнинг инновацион ривожланиши натижаларининг учта ўзгарувчисини ташкил қилади. Ҳар бир гуруҳ ўзгарувчиси кўрсаткичлар билан ифодаланади, бу эса ўз навбатида иқтисодий тизимнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали ўзгариши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолият натижаларини ишлаб чиқариш, жорий этиш ва амалга ошириш

қобилияти сифатида тушуниладиган инновацион фаолият корхонанинг бухгалтерия ҳисоби (харажатлар, фойда, сотиш) кўрсаткичлари орқали баҳоланади.

38-сон МҲХСнинг 54-бандида [3] таъкидланишича, тадқиқот (ёки ички лойиҳанинг тадқиқот босқичи) натижасида юзага келган ҳеч қандай номоддий актив тан олинмайди. Тадқиқот (ёки ички лойиҳанинг тадқиқот босқичи) бўйича сарфлар улар амалга оширилганда харажат сифатида тан олинмиши лозим. 57-бандда таъкидланишича, тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш (ёки ички лойиҳанинг тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш босқичи) натижасида юзага келган:

(а) номоддий активни фойдаланишга ёки сотишга тайёр қилиш бўйича уни тугаллашнинг техник имкониятини;



(б) ўзининг номоддий активни тугаллаш ва ундан фойдаланиш ёки уни сотиш бўйича мойиллигини”;

(в) ўзининг ундан фойдаланиш ёки уни сотиш қобилиятини;

(г) номоддий актив қай тарзда эҳтимолли келгуси иқтисодий нафларни келтиришини. Шу ўринда, тадбиркорлик субъекти номоддий активнинг маҳсулотига ёки номоддий активнинг ўзига нисбатан бозор мавжудлигини, ёки агарда у ички фойдаланишга мўлжалланган бўлса, номоддий активнинг фойдалилигини намойиш этиши мумкин;

(д) номоддий активни тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишни тугаллаш ва ундан фойдаланиш ёки уни сотиш учун мувофиқ техник, молиявий ва бошқа ресурсларнинг мавжудлигини;

(е) тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш мобайнида номоддий активга тегишли сарфларни ишончли баҳолаш қобилиятини тадбиркорлик субъекти намойиш эта олса, номоддий актив тан олинади.



1-расм. Иновацион жараён-бухгалтерия ҳисоби-иқтисодий таҳлил занжири

МХХС бўйича сегмент маълумотлари баланс моддалари, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот учун ошкор қилинади. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни сегментлар бўйича ошкор қилиш тавсия этилади, аммо талаб қилинмайди. «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»да инновацион фаолиятни молиялаштириш учун жалб қилинган маблағлар, инновацион лойиҳалар доирасида олинган пул тушумлари ва инновацион фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилган жорий фаолиятнинг пул оқимлари акс эттирилмаган. Натижада нисбатан катта лойиҳалар учун ҳам инновацион фаолиятнинг пул оқимларини таҳлил қилиш имкониятлари сезиларли даражада чекланиб қолган.

МХХС ва БХМСлари операция, инвестицион ва молиявий фаолиятларнинг пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни алоҳида-алоҳида ошкор қилиш талабларини ўз

ичига олади, аммо уларда инновацион фаолиятнинг пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни алоҳида олиш имконияти йўқ. Бизнинг фикримизча, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг инвестиция фаолияти бўлимининг 090-сатридаги “Инвестиция фаолиятининг бошқа пул тушумлари ва тўловлари” бандини 091-сатрига тушириб, 090-сатрга “Инновацион фаолиятнинг пул тушумлари ва тўловлари” кўшишни таклиф этамиз (2-жадвал).

7-сонли МХХС талабларидан келиб чиқиб, пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботга қўшимча маълумотларни, хусусан: ҳисобот давридан бошлаб, овердрафт шартлари бўйича мумкин бўлган пул оқимлари микдори ва бошқалар бўйича биз ҳисоботга капитализация қилинмаган инновацион фаолиятнинг харажатларни тўғрисидаги маълумотларни киритишни зарур деб ҳисоблаймиз.

2-жадвал

Инновацион фаолиятга оид ахборотларни пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши (таклиф)*

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Кириш	Чикиш
Инвестиция фаолияти			
Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш	060		
Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	070		
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш	080		
Инновацион фаолиятнинг пул тушумлари ва тўловлари	090		
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	091		
Жами: инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими/чикими (сатр 060+/-070+/-080+/-090+/-091)	100		

*Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

Бу бозорни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар, замонавий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишлари билан боғлиқ пул маблағлари чиқими бўлиши мумкин. Бундай маълумотлар инновацион фаолиятнинг пул оқимлари чиқими доирасини баҳолашга имкон беради.

5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бухгалтерия ҳисоби ҳар доим инновацион фаолиятга доир харажатларни капиталлаштиришда биров мослашувчан бўлишига имкон бериши керак. Ушбу фикр 38-сон МХХС га ҳам мос келиб, харажатларни ҳисобга олиш нуқтаи-назаридан инновацион

фаолиятни уч турини қуйидагича ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Муайян лойиҳага ишора қилмайдиган тадқиқотлар, сўровномалар ва тажрибалардан иборат бўлиб, ушбу турдаги фаолият одатда компаниянинг умумий манфаати учун амалга оширилади (масалан, бозорни ўрганиш, янгилаш ва ҳ.к).

2. Асосий тадқиқотлар, бу муайян лойиҳаларга тегишли бўлган тадқиқотлар, сўровлар ва тажрибалардан иборат.

3. Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришдан олдинги маълум материаллар, асбоблар, маҳсулотлар ва жараёнларга тад-

биқ этишдан иборат бўлган тажриба конструкторлик ишлари.

4. Муайян лойихага ишора қилмайдиган ва дастурий таъминот яратиш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларидан ташқари бошқа асосий тадқиқотлар учун харажатлар ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида тан олинishi керак.

5. Ҳисобот давр (йил) охирида номоддий актив сифатида тан олишнинг имкони бўлмаган Инновацион фаолиятга доир сарфларни 9430 - “Бошқа операцион харажатлар” счётига ўтказиш тартибини 21-сон БҲМСга киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Мос равишда, ҳисобот давр (йил) охирида номоддий актив сифатида тан олишнинг имкони бўлмаган Инновацион фаолиятга доир харажатларни корхоналарнинг бошқа

операцион давр харажатларига олиб бориш тартибини ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” [2]га алоҳида банд сифатида киритиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, корхоналар инновацион фаолияти ҳисобини юқорида изоҳи келтирилган методологик тартибда юритиш улар тўғрисидаги ахборотларни тизимли шакллантириш, ушбу фаолиятга қилинган сарф-харажатларни капиталлаштириш ёки ҳисобдан чиқарилишини тўғри амалга оширилганлиги устидан узлуксиз назоратни олиб бориш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПК-4611.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарорига илова.
3. International Financial Reporting Standards. www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/ 2018.
4. Ahmed, K., & Falk, H. (2006). The value relevance of management's research and development reporting choice: evidence from Australia. *Journal of Accounting and Public Policy*, 25 (3), 231-264.
5. Chambers, D., Jennings, R., & Thompson, R. B. (2003). Managerial discretion and accounting for research and development costs. *Journal of Accounting, Auditing & Finance*, 18 (1), 79- 113.
6. He J., and Tian X., 2018. Finance and corporate innovation: A survey. *Asia Pacific Journal of Financial Studies*, 47, 165–212
7. Healy, P. M., Myers, S. C., & Howe, C. D. (2002). R&D accounting and the tradeoff between relevance and objectivity. *Journal of Accounting Research*, 40 (3), 677-710.
8. Koh, P., and Reeb, D.M., 2015. Missing R&D. *Journal of Accounting and Economics*, 60 (1), 73–94.
9. Kothari, S. P., Laguerre, T. E., & Leone, A. J. (2002). Capitalization versus expensing: evidence on the uncertainty of future earnings from capital expenditures versus R&D outlays. *Review of Accounting Studies*, 7 (4), 355-382.
10. Lev, B., & Sougiannis, T. (1996). The capitalization, amortization, and value-relevance of R&D. *Journal of Accounting and Economics*, 21 (1), 107-138.
11. Manso, G., Balsmeier, B., and Fleming, L., 2017. Heterogeneous innovation over the business cycle, Working Paper, University of California at Berkeley.
12. Schneider, C., and Veugelers, R., 2010. On young highly innovative companies: why they matter and how (not) to policy support them. *Industrial and Corporate Change*, 19 (4), 969–1007
13. Oswald, D. R. (2008). The determinants and value relevance of the choice of accounting for research and development expenditures in the United Kingdom. *Journal of Business Finance & Accounting*, 35 (1-2), 1-24.
14. Mardonov M. Innovatsion faoliyatni rivojlantirishning empirik tahlili. science and innovative development. 2021 oct 29(5):16-23.
15. Варпаева И. А. Учет результатов интеллектуальной деятельности хозяйствующих субъектов // Все для бухгалтера. 2019. № 12
16. Мукумов З.А. Инновацион фаолият харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари («Ўзнефтегазмаш» АК корхоналари мисолида). Монография.-Т.:Fan va texnologiya, 2013. - 154 бет.